

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Раисининг биринчи ўринбосари М.М.Мирзаевнинг
2022 йил февраль ойида бажарилган ишлари

Бюджет даромадлари ижросини таъминлаш
ва қўшимча манбаларни жалб этиш

2022 йилнинг февраль ойи учун белгиланган 11,3 трлн.сўм прогноз кўрсаткичи 11,5 трлн.сўмга (102,0%) бажарилиб, бюджетга 230,1 млрд.сўм қўшимча маблағлар жалб этилди (тушумлар ўтган ойнинг мос даврига нисбатан 204,7 млрд.сўмга (101,8%) ўсди).

Февраль ойида 11,5 млрд.сўм таъминланган тушумлар қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилди:

- ҳисобланган солиқларни ундириш ҳисобидан 10,1 трлн.сўм;
- мавжуд солиқ қарзини ундириш ҳисобидан 700 млрд.сўм;
- солиқ назорати тадбирлари ҳисобидан 400 млрд.сўм;
- солиқ базаси ҳажмини ошириш (хуфёна иқтисодиётни қисқартириш ҳисобидан 200 млрд.сўм;
- қўшимча солиқ объектларини ҳисобга олиш ҳисобидан 100 млрд.сўм бюджетга туширилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича 2022 йил февраль ойи учун **2,4 трлн.сўм** белгиланган прогноз кўрсаткичлари **2,6 трлн.сўмга** ёки 110,1 фоизга бажарилди.

Стратегик режалаштириш бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249–сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси мутахассислардан иборат тузилган ҳолда, маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги мунтазам равишда янгиланиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 20-майдаги “Мажбурий рақамли маркировка лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Асл белгиси” Миллий ахборот тизимида 6 та дори воситалари ва тиббий буюмларни, 5 та сув ва салқин ичимликларни 5 та маиший техника ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатдан ўтказилиб маҳсулотлар каталоги модулига синов тариқасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар юзасидан тегишли

маълумотлар (116 та дори дармон, 33 та сув са салқин ичимлик, 762 та маиший техника) жойлаштирилиши таъминланди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича

2022 йилнинг 1 март ҳолатига жами 98 та 59 253,3 млн. сўмлик солиқ низосига оид шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчасини белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган.

Хусусан, ушбу шикоятлар солиқ тўловчи вакиллари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, 19 та (19%) 16 581,2 млн. сўмлик мурожаатда солиқ тўловчининг позицияси қаноатлантирилган.

Шунингдек, 58 та (59%) 36 568,1 млн. сўмлик мурожаат бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ўз кучида қолдирилди ва бу ҳақда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди ҳамда қолган 21 та (22%) 6 104,0 млн. сўмлик шикоятлар юзасидан ўрганишлар давом этмоқда.